

«МАЪҚУЛЛА НГАН»

Кузатув кенгаши томонидан  
20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_ даги  
-сон баённома



Р.П.Юсупов

Кузатув кенгаши раиси

## “Шарғункўмир” АЖнинг

2024 йил учун

## “БИЗНЕС РЕЖА” лойихаси

Ташкилот номи

“Шарғункўмир” АЖ

Идоравий мансублиги

Давлат иштирокидаги

Почта манзили, е-хат манзили  
(ёки электрон почта манзили)

shargun\_kumir58@mail.ru

СТИР

200494307

Ижроия органи рахбари:

Х.Н.Абдуллаев

Бош хисобчи:

Э.Б.Насиров

# МУНДАРИЖА

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);*
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;*
- 1.3 Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;*
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;*
- 1.5 Кадрлар сиёсати, ишчи-ходимлар, жумладан, корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;*
- 1.6 Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мақеи;*
- 1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими*

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;*
- 2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;*
- 2.3 Ислоҳ қилишининг 2024 йил учун режаси;*

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

- 3.1 Бозор таҳлили*
- 3.2 Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби*
- 3.3 Рақобат*
- 3.4 Маркетинг режаси*

## **IV. SWOT-таҳлили**

## **V. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

## **VI. Кўрсаткичлар**

### **6.1 Ишлаб чиқариш режаси**

- 6.1.1. Хомашё захираси;*
- 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*
- 6.1.3. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати*
- 6.1.4. Ишлаб чиқариш ва сотиш режаси*

### **6.2 Молиявий режа**

- 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар*
- 6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)*

- 6.2.3 *Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)*
- 6.2.4 *Харажатлар ва таннархни оптималлаштириши.*
- 6.2.5 *Молиявий барқарорлик, ликвидлик ва тўлов қобилияти, қарздорлик (ички ва ташқи), кредитлар юки*
- 6.2.6 *Давлат бюджетига тўловлар прогнози*
- 6.2.7 *Молиявий кўрсаткичларнинг ўхшаш корхоналар билан солиштирилиши (бенчмаркинг)*

## **VII. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

## **VIII. Иш хақи тўлаш тизими**

## **IX. Ташқи иқтисодий фаолият режаси (экспорт ва импорт)**

## **X. Инвестиция лойиҳалари**

## **XI. Экология ва атроф муҳитга таъсири**

## **XII. Иловалар**

- 14.1 *Маҳсулот ишлаб чиқариши (хизматлар кўрсатиши) ҳажми*
- 14.2 *Таннархни камайитириши бўйича мақсадли кўрсаткичлар*
- 14.3 *Кутилаётган бухгалтерия баланси (чораклар кесимида)*
- 14.4 *Кутилаётган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (ўсиб борувчи тартибда чораклар кесимида)*
- 14.5 *Даромадлар ва харажатлар сметаси (бюджети)*
- 14.6 *Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари*

# I. “Шарғункўмир” АЖ тўғрисида умумий маълумот

## 1.1. “Шарғункўмир” АЖ реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

### “Шарғункўмир” АЖ тўғрисида маълумот, корхона паспорти

Т/Р		
1	Корхонанинг тўлиқ ва қисқартирилган номи	“Шарғункўмир” Акциядорлик Жамияти
2	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик Жамияти
3	Фаолият тури	Тошкўмир қазиб олиш
4	Тармоқ	Ишлаб чиқариш
5	Юридик манзили	Шарғун шаҳар А.Икромов кўчаси 50-уй
6	Устав капитали	7 029 420,0 минг сўм
7	Чиқарилган акциялари	7 029 420 дона
8	Статистик таснифлари	0
9	СТИР	200494307
10	Ҳисоб рақами ва хизмат кўрсатувчи банки	“Ўзсаноатқурилишбанк” ининг Шарғун филиали МФО 00440 х/р 2021 0000 4003 11 04 5001
1	умумий ер майдони	68.05 га
2	бино-иншоотлар майдони	21,4 минг.кв. метр
3	ишлаб чиқариш майдони	66.0 га
4	инфратузилмаси	Электр энергия, сув, темир йўл ва авто йўл мавжуд.
5	ишчилар сони	579 та
6	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури	Тошкўмир
7	асосий хомашёси;	Йўқ
8	экспорт қилинадиган маҳсулотлар ва давлатлар	Йўқ
9	бошқа маълумотлар.	Йўқ

## *1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари*

“Шарғункўмир”АЖ кўмир конининг қурилиши 1943 йилдан бошланган. “Сариосиё” темир йўли бекатидан “Тоқчиён”(ҳозирги Шарғун шаҳри) 12 километр узунликдаги темир йўл шаҳобчаси қурилди, кўмир ташиш учун 18 километр узунликдаги осма-юк канат йўли, ходимларни ва товар моддий бойликларини ташиш учун 20 километр масофага автойўл қурилган.

1958 йили Шарғункўмир кони ишга туширилиб, йилига лойиҳа қуввати 400,0 минг тоннага мўлжалланган.

1960-йилларга келиб қазиб чиқариладиган кўмирнинг 95%ни йириклиги 13мм.гача бўлган кўмир бўлаклари ташкил этиб, уни сотишда жиддий қийинчиликларга дуч келинди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида 1963 йилда Ангрен ва Шарғун кўмир конларида саноат усулида кўмирни брикетлаш ишлари бошланди. Ангрен кўмирини брикетлаш ижобий натижа бермади. Шарғун кўмир конида кўмир брикетлашнинг нефть ва бошқа боғловчилар билан брикетлаш йўллари ишлаб чиқиш бўйича муваффақиятли ишлар амалга оширилди. Ёш корхонани сақлаб қолиш йўлидаги изланишлар йилига лойиҳа қуввати 200,0 минг.тн брикет ишлаб чиқарадиган брикет фабрикаси қурилишига олиб келди ва у 1965 йил ишга туширилди.

1973 йил шахтада тоғ-кон лаҳм ўтиш ишларини механизациялаш даражаси 97%га етказилди. Юқори баландликдаги шахтада кўмир қазиб олиш ишлари 1840 м. горизонтда олиб борилди. Корхона ўзининг лойиҳа қуввати чўққисига етиб келди. Кўмирни тинимсиз темир йўл станциясига етказиш учун осма канат йўли орқали таъминланиши мақсадида, ҳамда кўшимча захираларни тайёрлашда горизонтлар аро ёпиш ишлари ишлаб чиқилди. Выработкаларни тайёрлов ишлари ўтилишида тоғ жинси ортишни механизациялаш даражаси 100%га етказилди.

Шахталарда кўмир қазиб чиқариш ва сотиш ҳажмининг пасайиши натижасида корхона нафақат ривожланиши учун, ҳатто ишлаб чиқариш учун ҳам маблағсиз қолди. 1990 йилдан бошлаб қолдиқ қиймати бўлмаган тоғ-кон жиҳозлари янгиланмаган эди. 2011 йилга келиб ишлаб чиқаришдаги ва тоғ-кон жиҳозларининг жисмоний эскириши натижасида кўмир қазиб чиқариш йиллига 18,4 минг тоннагача пасайди.

Соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида сўнгги 5 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 52 фоизга ошди.

Ушбу мақсадларга эришишда қабул қилинган тегишли Президент Фармон ва Қарорлари ва улар доирасида қабул қилинган тартиблар алоҳида аҳамият касб этди.

Жумладан, “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ таркибига ўтказиш ҳамда кўмир саноати корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасидаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ -3380 сонли қарори қабул қилингандан сўнг “Шарғункўмир” АЖда ҳақиқий ривожланиш босқичлари бошланди бу асосий кўрсаткичларнинг йилдан йилга ўсиши билан ўз исботини топмоқда. 1958 йилдан 2022 йилга қадар қазиб олинган кўмир 9,3 млн. тоннани ташкил этди. Шахтанинг бугунги кунгача бўлган тарихида энг юқори кўмир қазиб олиш кўрсаткичлари 2019 йилда 245,0 минг тонна, 2020 йилда 264,0 минг тонна, 2021 йилда 275,0 минг тонна ва 2022 йилда 283,3 минг тоннани ташкил этди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг йилдан йилга ўсиб бориши жамиятнинг молиявий аҳволини яхшиланишига ва кўмир қазиб олиш таннархини пасайишига сабаб бўлмоқда.

2023 йилда ҳам 352,0 минг тонна кўмир қазиб олиниб корхона тарихидаги энг юқори кўрсаткичга эришиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ПҚ-2727-сонли қарорига асосан “Шарғункўмир” АЖ томонидан умумий қиймати 105,5 млн. доллар бўлган “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда лойиҳа доирасида:

1. “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш лойиҳаси доирасида штольня ва ер ости йўлакларини ўтиш ишлари (11,5 минг погон метр) тўлиқ яқунланган, асосий тоғ-кон ускуналари етказиб берилиб, конвейер тизимлари ва ёрдамчи ускуналар ўрнатилган, Шарғун шахридан штольнягача 24 км темир йўл ҳамда кўмир ортиш станцияси қурилган.

Лойиҳа қиймати – 105,5 млн доллар (корxonанинг ўз маблағи – 15,7 млн доллар, Хитой Эксимбанки кредити – 89,8 млн доллар).

2. Ер ости кон лаҳмида кўмир қазиб олишга қадар керак бўладиган ёрдамчи ускуналар (5 та лентали конвейер, 2 та лебёдка, 1 та 6 киловатли ер ости ним станцияси, 2 та азотли компрессор, 2 та ҳаво компрессори, 11,5 км юқори кучланишли ва алоқа кабеллари, 11,5 км сув тармоғи, кон электровозлари учун 11,5 км темир йўл рельслари) ўрнатилди.

26,7 млн доллар ҳамда уларни ўрнатиш ишлари учун эса 7,5 млн доллар маблағ Хитой Эксимбанки кредити ҳисобидан сарфланди.

3. Суткасига 400 метр кубли тозалаш иншооти (очистное сооружение) курилиб, фойдаланишга топширилди.

4. Ер ости конининг ташқи электр таъминотини барпо этиш бўйича 35/6 кВ кучланишли янги подстанциянинг 2 та 10 000 кВА трансформатори ўрнатилган ва штольнягача электр тармоғи (300 метр) тўлиқ курилган.

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 35/6 кВ кучланишли янги подстанция ишга туширилди, шунингдек, 16,7 км узунликдаги 35 кВ захира электр тармоғи курилиши якунланди.

5. Махсус отрядни жалб қилиш бўйича Амикам Интернейшнл Групп компанияси билан шартнома тузилган бўлиб, ушбу компаниянинг 12 нафар мутахассислари курилиш майдонига келган бўлиб, монтаж ишларини назорати билан шуғулланмоқда.

6. “Шарғункўмир” АЖ томонидан бош пудратчи – Хитой компаниялари консорциуми билан бирга (“China Railway Tunnel Group Co, Ltd.” ва “China Coal Technology & Engineering Group Corp.”):

2023 йил август ойида механизациялашган кўмир қазиб олиш мажмуаларини монтаж қилиш ишлари бошланиб, биринчи мажмуани монтаж ишлари якунланган. Инвестиция лойиҳаси доирасидаги кўмир қазиб олиш мажмуасининг аввало биринчи навбатини ишга тушириш мақсадида Е01 кўмир қазиб олиш блокада кўмир қазиб олиш мажмуасининг ускуналари 1 та 45 тонналик кўмир қазилганга мўлжалланган комбайн 1 та 50 тонналик, 3 та 25 тонналик ва 66 та 20 тонналик гидравлик мустаҳкамлагичлар 2 та занжирли конвейер, 1 та кўмир майдалагич (дробилка), сув ва мой хайдаш учун 4 та насос) ўрнатилди ва тажриба саноат кўламида синовдан ўтказилди.

Ҳозирги кунда иккинчи мажмуа W01 кўмир қазиб олиш блокада кўмир қазиб олиш мажмуасининг ускуналарини ўрнатиш ишлари бошланган бўлиб, жорий йилнинг декабр ойида тўлиқ ишга туширилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда, лойиҳа доирасида жами 89,1 млн доллар (94,3 %) маблағлар ўзлаштирилган, шу жумладан ер ости курилиш ва монтаж ишларига 55,4 млн доллар, тоғ-кон транспортлари ва бошқа ускуналарга 30,5 млн доллар, лойиҳа ишларига 3,2 млн доллар сарфланган.

### 1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати

#### Ишлаб чиқариш қувваатидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қувватдан фойдаланиш			
				2022 й.	%	2023й.	%
1.	Тошкўмир қазиб олиш	Минг тонна	380,0	265,0	71,4	352,0	92,1

Жорий йил якунига қадар асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг кутилиши, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар.

“2023 йилда кўмир ресурслари ва истеъмоли баланси” га асосан “Шарғункўмир” АЖ 2023 йилда **400,0 минг тонна** кўмир қазиб олиши белгиланган.

Шундан:

- ёпиқ усулида - **70,0 минг тонна**;
- очик усулда - **240,0 минг тонна**;
- инвестиция лойиҳаси бўйича - **70,0 минг тонна**;
- “Бойсункўмир” МЧЖ - **20,0 минг тонна**;

Амалда **352,0 минг тонна** га бажарилиб, режага нисбатан **92,1 фоиз** га, ўтган йилга нисбатан **132 фоиз** га ўсиши кутилмоқда.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг прогнозга нисбатан камайишига асосий сабаблар, “Шарғункўмир” АЖни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасининг ер ости кон лаҳмларига тоғ-кон ускуналарини монтаж қилиш ишлари мураккаблиги жиҳатидан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланиб, Хитойлик мутахасисларнинг фикр мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, ер остига олиб кирилаётган ускуналарни (*бб дона крен*) монтаж қилиш ишларида кўп вақт талаб этилмоқда. Юқоридаги ўзгаришлар бўйича тегишли ташкилот ва вазирликларга маълумотлар тақдим этилиб, лойиҳани ишга тушириш муддати узайтирилган.



**1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси,  
тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот**

**Корхона тизимига кировчи ташкилотлар рўйхати:  
(инвестициялари, юридик шахс мақомига эга бўлмаган тузилмалар, филиаллар)**

№	Корхона номи	Улуш миқдори (%)	Устав капитал и (баланс қиймати) млн. сўм	Фаолият йўналиши	Олинган даромад (дивиденд)		Киритилган инвестициялар	
					2021й.	2022й.	2021й.	2022й.
<b>1. Тизимдаги корхоналар</b>								
1.	“Бойсункў мир” МЧЖ	100	2 700,0	Тошкўмир казиб олиш				
2.	“Шаргун темир йўл махсус қурилиш ” МЧЖ	100	5,0	қурилиш				
3.								
4.								
<b>2. Носоҳавий активлар</b>								
5.								
6.								
7.								
<b>3. Бўш турган объектлар ва қувватлар</b>								
8.								
9.								
10.								
11.								
12.								
<b>жами</b>								

Т/р		Ишчилар сони	Бошқарувдаги ходимлар сони	Техник ходимлар сони	Ишлаб чиқаришда бевосита банд бўлган ишчи-хизматчилар
1	Ишчи ва ходимлар	579	31	20	528

Корхонада ходимларни ишга қабул қилишда, ишга қабул комиссияси мавжуд. Участка ва бўлимлардан тушган билдиргилар, ва иш ҳажмини ошганлиги муносабати билан янги иш ўринлар яратилса ишга қабул комиссиясининг баённомасига асосан ишчи ходимлар ишга қабул қилинади.

Жамиятда 2021-2023 йиллар учун жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ишчи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида кўп йиллик хизматлари учун тўлов тўғрисидаги” НИЗОМ га асосан жамиятда узлуксиз ишлаган даврига тўловлар, соғлиғини тиклаш учун модий ёрдам ва бир қатор ишчи ходимлар учун ижтимоий тўловлар мавжуд.

2023 йилнинг 9 ойлигида 53 та ишчи ходим ишга қабул қилинган, 26 та ишчи ходим ўз аризасига биноан бўшатишган. 1 та ишчи ходим меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган. Ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатишда ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолатлари кузатилмаган.

2023 йил 10 октябр кундаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-329-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбири тўғрисида” ги қарорига асосан, “Шарғункўмир” АЖ Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилиши белгиланган.

## Корхонанинг бошқарув органлари тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1.	“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ		Акциядорлар: ▪ Йирик акциядорлар – 99,86 % (70 194 434 дона акция)
2.	Сариосиё туман “Бозор М” КК		Акциядорлар: ▪ Юридик шахслар – 0,02% (1 151 дона акция)
3.	“Шарғункўмир” акциядорлик жамиятининг 225 тадан иборат бўлган ишчи ва ходимларининг улуши ҳисобланади.		Акциядорлар: Жисмоний шахслар – 0,13% (8 835 дона акция)

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
1	<b>Юсупов Рустам Пайзрахманович,</b>	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Энергетика хом- ашёсини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи: (2023 йилдан)	
2.	<b>Аллаяров Темур Баходирович</b>	Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирининг логистика ва туризмни ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси (20__ йилдан)	
3.	<b>Хасилов Хуснутдин Нуриддинович</b>	“Ўзбекистон темир йўллари”АЖ бошқарув раиси ўринбосари в.б: (2023 йилдан)	
4.	<b>Дусматов Нодирбек Уктамжанович,</b>	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Кўмир саноатини ривожлантириш бўлими бошлиғи: (2023 йилдан)	
5.	<b>Тешабаев Лазиз Абдихамидович</b>	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Кўмир саноатини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси (2023 йилдан)	
6.	<b>Назаров Азизхон Бахром ўғли,</b>	“ Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бўлим бошлиғи (20__ йилдан)	
7.	<b>Губайдуллин Ринат Абдуллаевич</b>	“Ўзбеккўмир” АЖ бошқарма бошлиғи (20__ йилдан)	

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>III. Ижроия органи</b>			
8.	Абдуллаев Хамза Найимович	Бош директор, (2020 йилдан)	___% (___ дона акция)
9.	Сурхонов Шавкат Жўрақулович	Бош муҳандис (2019 йилдан)	-
10.	Шойматов Жамол Юсупович	Бош директорнинг иқтисод ва молия ишлари бўйича ўринбосари (2019 йилдан)	-
11.	Насиров Элёр Боходирович	Бош ҳисобчи (2023 йилдан)	
12.	Абдиев Сами Хасанович	Прогнозлаштириш таҳлил ва иқтисод бўлими бошлиғи (2018 йилдан)	___% (___ дона акция)

## **1.6. Корхонанинг бозордаги ўрни ва аҳамияти, шу жумладан халқаро бозордаги мавқеи**

Республикада “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Шарғункўмир” АЖ кўмир қазиб олиш корхоналари мавжуд. “Ўзбеккўмир” АЖ йилига 5 800,0 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига эга. Ишлаб чиқарилган маҳсулот саноатда иссиқлик элктр станциялари, цемент, ғишт ишлаб чиқариш ва иссиқхоналар учун ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёқилғи-энергия ресурслардан янада самарали ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорига асосан цемент, ғишт ишлаб чиқариш ва иссиқхона хўжалиklarини табиий газдан кўмирга ўтказиш белгиланган. Бундан кўриниб турибдики кўмирга бўлган талаб икки-уч баробарга ўсади.

## **1.7 Корхонада жорий этилган сифатни бошқариш тизими**

Корхона маҳсулотининг сифат сертификатлари мавжуд. Ҳар бир ортилган тошкўмир учун Сифат назорати стандартларга ва метрологияга мувофиқлаштириш участкаси томонидан кўмир сифати ҳақида сертификат берилади. Ҳозирги кунда корхонага тегишли лабараторяда кўмирнинг кулчанлик даражаси ГОСТ ISO 1171-2012, намликнинг масса улуши ГОСТ ISO 11014-2001, учувчанлик, ГОСТ ISO 562-2012 ва юқори ва паст иссиқлик даражаси ГОСТ 147-95 каби кўрсаткичлар таҳлили олинади.

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

### **2.1 Истиқболли ривожланиш, стратегия;**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 январдаги ПҚ-2727 – сонли қарорига асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан “Шарғункўмир” АЖ ни йилига 900 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига етказиш мақсадида Модернизация қилиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати - 105,5 млн. доллар (*корхонанинг ўз маблағи -15,7 млн. доллар, Хитой Эксимбанки заёми - 89,8 млн. доллар*), қуввати - йилига 900 минг тонна тошкўмир қазиб олиш.

Хитой Эксим Банки кредит маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган ушбу инвестицион лойиҳа доирасида 2016 йил 1 ноябрда “Шарғункўмир” АЖ ҳамда Хитой давлатининг “China Railway Tunnel Group Co.,Ltd.” (CRTG консорциум етакчиси) ва “China Coal Technology & Engineering Group Corp.” (CCTEG) компаниялари консорциуми ўртасида 94,5 млн. АҚШ долларига тенг шартнома имзоланган.

Лойиҳа 2023 йилнинг декабрида ишга тушириши режалаштирилган.

## ***2.2 Ислоҳ қилиш мақсади ва босқичлари;***

Модернизация лойиҳасини тўлиқ ишга туширилиши натижасида 32,6 млн. тоннали кўмир захирасига кириб борилади ва корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб бериш ва 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратиш. Бундан ташқари Шарғун шаҳридан 10- сонли штольня худудигача “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ маблағлари ҳисобидан 21,8 км темир йўл линиясини қурилиши ва ер ости усулида Ўрта Осиёда ягона бўлган механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ҳисобига кўмир қазиб чиқариш ҳажмини ошириш ва таннархини пасайтиришга эришиш.

Лойиҳа доирасида қазиб чиқарилга сифатли кўмир хом-ашёсини қайта ишлаш бўйича чораларни кўриш.

## ***2.3 Ислоҳ қилишнинг 2024 йил учун режаси;***

1. 2024 йилда “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини тўла қувватда ишлашини таъминлаш.

2. Лойиҳа доирасида ўрнатилаётган механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш Ўрта Осиёда биринчи марта қўлланилаётганлиги сабабли, маҳаллий малакали мутахассислар томонидан янги кўмир қазиб олиш технологиясини босқичма-босқич маҳаллийлаштириш чораларини кўриш. Бунда корхонадан малакали мутахассисларни Хитой давлатининг етакчи кўмир конларига малака оширишга жўнатиш.

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

### ***3.1. Бозор таҳлили***

Хозирги кунда корхонамизнинг асосий истеъмолчилари “Yangi Angren IES” АЖ ва Республика товар хом - ашё биржаси ҳисобланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2023 йил 15 сентябрдаги “Шарғункўмир” АЖ фаолиятини ўрганиш ва самарадорлигини ошириш юзасидан берилган 12/31-41-сонли топшириғига асосан истисно тариқасида қазиб чиқариладиган кўмирни ягона харидорини музокаралар натижасига кўра тўғридан-тўғри жалб

қилиш ва танланган ягона харидорга келишилган нархларда сотиш бўйича ишлар ҳам олиб борилмоқда.

Кўмир монопол маҳсулот ҳисобланганлиги учун ҳар йил кўмир ресурслари ва истеъмоли балансини тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишининг иловаси тасдиқланади.

### **3.2. Маҳсулот (хизмат)нинг асосий истеъмолчилари, таркиби**

Ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг асосий истеъмолчилари, Бунда:

- Ягона харидор;
- “Yangi Angren IES” АЖ;
- Республика товар хом-ашё биржаси орқали;

### **3.3. Рақобат**

Республика ичида СС маркали тошкўмир фақат “Шарғункўмир” АЖ да қазиб олинади. Республика ташқарисида Қозоғистон, Қирғизистон давлатларида шу маркали кўмир асосан очиқ конлардан қазиб олинади. 2024 йилда модернизация лойиҳаси доирасида ер остидан тошкўмир қазиб олиш ҳисобига Республикада юқори каллорияли сифатли тошкўмир қазиб олувчи ягона конга айланади.

### **3.4. Маркетинг режаси**

Корхонанинг нарх сиёсати, хўжалик юрутувчи субъектлар, монополист корхоналар, табиий монполиялар субъектларнинг товарларига (ишларига, хизматларига) нархларни (тарифларини) шакиллантириш ва декларация қилиш (тасдиқлаш) Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар,хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакиллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

*Маълумот ўрнида:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссиясининг 2023 йил 27 октябрдаги 18 сонли баёнига асосан «Шарғункўмир»АЖ томонидан ишлаб (қазиб) чиқариладиган кўмир маҳсулотининг улгуржи нархлари 2023 йил 15 ноябрдан 1 тоннаси учун қуйидагича белгиланади:

ССКОМ ( 13-100 ) маркали - 549 000 сўм ҚҚС билан

СССШ (0-13 ) маркали - 460 000 сўм ҚҚС билан

ССССШМО ( 0-50 ) маркали - 312 000 сўм ҚҚС билан

*Мазкур нархлар кучга кириши билан, 2019 йил 15 августдан амал қилган декларация нархи ( 2019 йил 14 августдаги 04/15-03-Уз-2019/8-сон декларация нархи) ўз кучини йўқотади.*



#### IV. SWOT-таҳлили

**S –(strength)** Республикада энг катта тошкўмир захирасига эга кон Шарғун конлари ҳисобланади. “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир қазиб олинади. Ер ости усулида механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ва лойиҳа доирасида қурилган 21,8 км ли темир йўл линияси ҳисобига кўмир қазиб олиш ҳажмининг ошишига ва таннархини пасайтиришга эришилади.

**W –(weakness)** “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси ишга туширилганда, кўмир қазиб олиш механизациялашган технология асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу усул Ўрта Осиёда ҳали қўланилмаганлиги сабабли ушбу технологияни ишлатиш учун мутахасис етишмовчилиги юзага келиши мумкин.

**O – (opportunity)** Кўмирни таркибидан 20 га яқин тайёр маҳсулотлар олиш имконияти мавжуд. Мисол учун, кўмирдан германий, скандий, ванадий, платина ва бошқа камёб элементлар ажратиб олиш мумкин. Бундан ташқари кокс, фенол, бензол, бензин, нафталин, мазут, дизел ёқилғилари, канцелярия қаламлари, диареяга қарши таблеткалар, спиртни ва сувни тозаловчи филтрлар, ҳавони тозаловчи филтрлар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бир тонна кўмирни қайта ишлаб сотилса 1,2 млн.сўм даромад олинади. Кейинги босқичларини амалга ошириш ҳисобига бир тонна кўмирдан ҳосил бўладиган даромад 10 баробарга ортиб, 12 млн.сўм даромад олиш имконияти мавжуд. Йилига 300 минг тонна кўмирни қайта ишлаш ҳисобига 3,6 трлн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилиши мумкин.Натижада қўшимча 1,5 минг нафар иш ўрни, 3,6 трлн.сўмлик қўшимча қиймат, 250 млрд.сўмлик солиқ тушуми, аҳолини 4-5 млн.сўмдан ойлик даромад олишига ҳамда 100 млн.долларга тенг импортни оптималлаштиришга эришилади.

**T – (threat)** Лойиҳанинг ишлаб чиқариш даврида электр энергияни огоҳлантиришларсиз ўчириб қўйилиши натижасида қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- шамоллатиш тизимлари ишга туширилмаслик оқибатида ер юзидан 4 км ичкарида жойлашган кон лаҳмларида метан газнинг ортиб кетиши натижасида портлаш хавфи ортади ҳамда тоғ-кон лаҳмларида барча технологик мажмуалар кўчки остига қолиб кетади;

- ер ости тоғ-кон лаҳмларида ишлаётган ишчиларнинг ҳаёти хавф остида қолади.

## V. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи

**"Шаргункўмир" АЖнинг 2024 йилда**

**Электр энергия сарфи прогнози**

	<b>Ўлчов бир.</b>	<b>2024й.</b>	<b>I чорак</b>	<b>II чорак</b>	<b>III чорак</b>	<b>IV чорак</b>
<b>Жами электр энергия ҳисоби</b>						
1000 тн кўмир қазиб олиш ва ёқилғи етказиб бериш учун электр энергия сарфи	кВт	17,1	17,4	17,0	16,9	17,1
1кВт учун нархи	минг сўм	803,6	803,6	803,6	803,6	803,6
корхона бўйича сарфи	минг кВт	11 575,9	2 893,7	2 893,7	2 893,7	2 894,7
<b>Электр энергия истеъмоли қиймати</b>	<b>минг сўм</b>	<b>9 302 415,7</b>	<b>2 325 403,0</b>	<b>2 325 403,0</b>	<b>2 325 403,0</b>	<b>2 326 206,6</b>
<b>шу жумладан: ЮТМ участкалари электр энергия ҳисоби</b>						
Кўмир қазиб олиш	минг тонна	676,0	166,0	170,0	171,0	169,0
1000 тн учун электр энергия харажати	минг кВт	14,7	15,0	14,6	14,6	14,7
1кВт учун нархи	минг сўм	803,6	803,6	803,6	803,6	803,6
Жами кўмир қазиб олиш харажати	минг кВт	9 961,0	2 490,0	2 490,0	2 490,0	2 491,0
<b>Электр энергия истеъмоли қиймати</b>	<b>минг сўм</b>	<b>8 004 659,6</b>	<b>2 000 964,0</b>	<b>2 000 964,0</b>	<b>2 000 964,0</b>	<b>2 001 767,6</b>
<b>ҚТМ участкалари бўйича электр энергия ҳисоби</b>						
<b>Ёқилғи етказиб бериш</b>	минг тонна	676,0	166,0	170,0	171,0	169,0
1000 тн учун электр энергия харажати	минг кВт	2,4	2,4	2,4	2,4	2,4
1кВт учун нархи	минг сўм	803,6	803,6	803,6	803,6	803,6
Жами ёқилғи етказиб бериш харажати	минг кВт	1 614,9	403,7	403,7	403,7	403,7
<b>Электр энергия истеъмоли қиймати</b>	<b>минг сўм</b>	<b>1 297 756,1</b>	<b>324 439,0</b>	<b>324 439,0</b>	<b>324 439,0</b>	<b>324 439,0</b>

Шунингдек, охири энергоаудит 2018 йилда ўтказилган, энергия сарфини камайтириш бўйича корхонада ишчилар ҳаммомини кўмир билан иситиш йўлга қўйилган. Бу электр энергияни 50 фоизгача тежайди.

## Кўрсаткичлар

### 6.1. Ишлаб чиқариш режаси

#### 6.1.1. Хомашё захираси

### 2023 йил 1 январь ҳолатида хомашё захираси бўйича МАЪЛУМОТ

№	Коннинг номланиши	Жами, минг.тн.	шундан, минг.тн.			Ресурс прогнози, минг.тн	Изох
			А+В+С1	С2	С1		
1	Шарғун бўйича - жами	40 146,3	32 665,3	7 066	415		
	шундан						
	Шарғун конининг асосий майдони	14 133,4	14 133,4				
	Руған-Рихта участкаси	14 019,5	13 604,5		415		
	Шарқий участка	2 026	336	1 690			
	Ғарбий участка	7 452	2 076	5 376			
	Тселикларда	2 515,4	2 515,4				

### 6.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

№	Тошқўмир маркалари	Саноатда қўлланилиши	Ўлчами, mm	Қулчанлиги $A^d$ , % гача	Намлиқ даражаси $W^t$ , % гача	Ёқилгини иш ҳолатидаги соф иссиқлик даражаси $Q^f$ , kcal/kg	25 mm ва ундан ортиқ тоғ жинслари билан аралашмаси % гача
1	СССШ	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун ( Angren IES ва Yangi Angren IES АЖ) ва биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	0-13	30,0	10,0	5200	-
2	СССШМО	Иссиқлик электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналари учун Yangi Angren IES АЖ)	0-50	42,0	15,0	5200	2,0
3	ССКОМ	биржа савдолари орқали саноат корхоналари учун (цемент, ғишт заводлари)	13-100	25,0	10,0	6200	2,0

6.1.2. Жорий (2 йиллик) ишлаб чиқариш ҳолати

**"Шарғункўмир" АЖнинг 2024 йилда кўмир қазиб олиш РЕЖАСИ**

МИНГ.ТОННА

Кўмир қазиб олиш							
			Жами	шу жумладан: чораклик			
				I	II	III	IV
"Шарғункўмир"	2023 й. кутили- ши	режа	352,0	56,9	82,6	92,7	119,8
	2024й.	режа	1100,0	270,0	270,0	285,0	275,0
	Ўсиш/ камайиш,	%	314,3	474,4	326,9	307,4	233,4

2024 йилдан бошлаб, “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Лойиҳани ишга тушириш ҳисобига ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми уч баробарга ошиши кутилмоқда.



**“Шарғункўмир” АЖнинг 2024 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш  
РЕЖАСИ\*\***

*млн.сўм*

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2022й. (факт)	2023й. 9- ойлик (факт)	2023й.		2024й. (режа)	Ўсиш, %	Жам и туш умда ги улуш и	Шу жумладан			
				режа	кутилаёт ган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
<b>I. Корхона бўйича</b>												
1.	<b>Жами соф тушум</b> (эгри солиқларсиз)	100 852,4	90 791,4	157 599,4	127 693,3	654 241,0	512,4	100	161 580,6	161 580,6	167 453,5	163 626,3
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>												
2.	А) Кўмир казиб чиқариш	78 611,7	69 590,2	118 313,0	97 158,4	625 180,9	643,5	95,6	154 439,9	154 439,9	159 939,9	156 361,3
	Темир йўл хизмати	20 378,7	20 021,1	33 855,4	28 396,7	27 349,5	96,3	4,2	6 713,1	6 713,1	7 086,0	6 837,4
3.	Б) Бошқа даромадлар	1 862,0	1 180,1	5 431,0	2 138,2	1 710,6	80,0	0,2	427,6	427,6	427,6	427,7
4.	В) Маҳсулот гуруҳи											
<b>II. Корхона тизимидаги ташкилотлар билан бирга (йиғма)</b>												
1.	<b>Жами соф тушум</b> (эгри солиқларсиз)	105 526,6	94 354,7	165 354,4	133 058,6	672 866,4	505,7	100	166 050,7	166 050,7	171 923,6	168 841,4
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>												
2.	А) Кўмир казиб чиқариш	83 285,9	73 153,5	126 068,0	102523,7	643 806,3	328,0	95,6	158 910,0	158 910,0	164 410,0	161 576,4
	Темир йўл хизмати	20 378,7	20 021,1	33 855,4	28 396,7	27 349,5	96,3	4,2	6 713,1	6 713,1	7 086,0	6 837,4
5.	Б) Бошқа даромадлар	1 862,0	1 180,1	5 431,0	2 138,2	1 710,6	80,0	0,2	427,6	427,6	427,6	427,7

<i>1 тн кўмир нархи</i>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2022 йил</b>		<b>2023 йил</b>
СССШ	сўм/тонн	332 750		460 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	289 348		410 714
ССКОМ	сўм/тонн	408 397		549 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	355 128		490 178,6
СССШМО	сўм/тонн	243 078		312 000
<i>шундан: ҚҚСсиз</i>	сўм/тонн	211 372		278 571,4

Биржа савдолари орқали 2023 йилнинг январь-октябрь ойларида 39,6 минг тонна сотилиб, 12,2 млрд. сўм даромад кўрилди. Биржа савдоларида ўртача 1 тонна кўмир маҳсулоти ҚҚСсиз 307 287 сўмни ташкил этди. (бошланғич нархи -289 348 сўм.)

2024 йил 1 январ ҳолатида тайёр маҳсулот қолдиқлари 5 363,8 млн. сўмни ташкил этилиши кутилмоқда



## 6.2. Молиявий режа

### 6.2.1 Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар таҳлили

2024 йилда корхонанинг жами даромадлари 654 241,0 млн.сўм бўлиб ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 526 547,7 млн.сўмга ёки 512,4 фоизга ошиши кутилмоқда. (2023 йилда 127 693,3 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда).

Даромадлар ёйилмаси қуйидагилардан иборат:

- Кўмир маҳсулоти сотишдан даромад (625 180,9 млн.сум) – 95,6 фоиз
- Темир йўл хизмати даромад (27 349,5 млн.сум) – 4,2 фоиз
- Бошқа даромадлар (1 710,6 млн.сум) – 0,2 фоиз

Жами харажатлар **563 555,7** млн.сўм ни ташкил қилиб, 2023 йилга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ошганлиги сабабли харажатлар ҳам 437 717,3 млн. сўм ёки 347,8 фоизга ошиши кутилмоқда (2023 йил – 125 838,4 млн.сум и ташкил этиши кутилмоқда), шундан:

2024 йилда “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси тўла қувватда ишлатиш режалаштирилган. Лойиҳани ишга тушириш ҳисобига ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми уч баробарга ошиши кутилмоқда. Бундан ташқари “Шарғункўмир” АЖга инвестиция лойиҳаси доирасида қўлланиладиган кўмир қазиб олиш технологиясини ишлатиш ва кўмир қазиб чиқариш тажрибасига эга хорижий компания билан тўғридан-тўғри музокаралар натижасига кўра пудратчи (Амикам Интернейшнл Групп компанияси билан шартнома тузилган) танлаб олинган бўлиб, унга кўра ҳар бир қазиб олинган кўмир учун 31,0 доллар (381,3 минг сўм) ҳақ тўланади. Шу сабабли ўтган йилларга нисбатан ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари ошиши кутилмоқда.

- Ишлаб чиқариш харажатлари 478 244,3 млн.сўм ни ва ўтган йилга нисбатан 405 562,0 млн.сўм ёки 558 фоизга ошиши кутилмоқда (2023 й – 72 682,3 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда);

Ишлаб чиқариш таннархи 1 тонна кўмир учун -434 767,6 сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

- Давр харажатлари 85 311,4 млн.сўм ни ўтган йилга нисбатан 32 155,3 млн.сўм ёки 160,5 фоизга ошиши кутилмоқда (2023й – 53 156,1 млн.сум ни ташкил этиши кутилмоқда).

шу жумладан:

- Маҳсулот сотиш харажатлари – 27 616,6 млн.сўм (– 28 816,4 млн.сум);
- Маъмурий харажатлари – 7 836,9 млн.сўм (– 7 275,0 млн.сум);
- Бошқа операцион харажатлари – 49 857,9 млн.сўм (– 17 064,6 млн.сум);

Барча солиқ ва бошқа бюджет тўловларини амалга оширгандан кейин корхонанинг 2024 йилдаги соф фойдаси 77 082,5 млн.сўмни ўтган йилга нисбатан 75 505,8 млн.сўмга (2023й – 1 576,7 млн.сум қутилмоқда) ошиши қутилмоқда. Соф фойданинг ўтган йилга нисбатан ошиб кетишига асосий сабаблар ўтган йилларга нисбатан харажатларни оптималлаштириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ҳажмини 214,3 фоизга оширганлик ва “Шарғункўмир” АЖнинг лойиҳа қувватини йилига 900 минг тоннагача тошкўмир қазиб чиқаришга етказган ҳолда уни модернизация қилиш” инвестиция лойиҳаси амалга оширилгандан сўнг корхона томонидан йилига 900 минг тоннагача юқори калориялик (5200-8100 Ккалл) сифатли тошкўмир қазиб олинади. Бундан ташқари Шарғун шаҳридан 10 сонли штольня ҳудудигача 21,8 км темир йўл линиясини қурилиши ва ер ости усулида механизациялаштирилган технология асосида кўмир қазиб олиш ҳисобига кўмир қазиб чиқариш таннархини пасайтиришга эришилади.

6.2.2 Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

“Шарғункўмир” АЖнинг  
2024 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети)  
РЕЖАСИ

млн.сўм


№	Кўрсаткичлар	2022й.	2023й. 9 ойлк (факт)	2023й (кутила- ётган)	2024й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	<b>Жами даромад</b> (эгри солиқларсиз), шу жумладан:	<b>100852,4</b>	<b>90 791,4</b>	<b>127 693,3</b>	654 241,0	<b>526 547,7</b>	<b>512,4</b>	<b>161 580,6</b>	<b>161 580,6</b>	<b>167 453,5</b>	163 626,3
	соф тушум	78611,7	69 590,2	97 158,4	625 180,9	528 022,5	643,5	154 439,9	154 439,9	159 939,9	156 361,3
	Темир йўл хизмати	20378,7	20 021,1	28 396,7	27 349,5	-1 047,2	96,3	6 713,1	6 713,1	7 086,0	6 837,4
	бошиқа даромадлар	1862,0	1 180,1	2 138,2	1 710,6	-457,6	80,0	427,6	427,6	427,6	427,7
	молиявий фаолият даромадлари										
2.	<b>Ишлаб чиқариш таннари</b>	<b>55 922,0</b>	<b>52 356,4</b>	<b>72 682,3</b>	<b>478 244,3</b>	<b>405 562,0</b>	<b>658,0</b>	<b>120 407,8</b>	<b>118 677,3</b>	<b>1119,813,4</b>	<b>119 345,8</b>
	хомашё ва материаллар	8951,1	7 567,5	10 790,1	56 030,7	45 240,6	519,3	15 047,8	13 422,8	13 671,3	13 888,8
	ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар	4133,1	8 224,6	11 166,1	346 530,0	335 363,9	3 103,4	86 617,2	86 617,2	86 663,0	86 632,5
	энергия ресурслари	10147,4	7 624,2	10 407,2	20 353,1	9 945,9	195,6	4 944,9	5 090,6	5 258,0	5 059,6
	Ишчи-ходимлар иш ҳақи	20 810,7	19 028,4	26 321,1	36 303,4	9 982,3	138,0	8 914,7	9 129,6	9 183,3	9 075,9
	ижтимоий солиқ	2546,0	2 288,8	3 165,8	4 356,4	1190,6	137,6	1069,8	1095,5	1 102,0	1 089,1
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	4206,7	3050,4	4 067,2	6 100,9	2033,7	150	1498,1	1534,2	1543,3	1525,2
	бошиқа харажатлар	5127,0	4 572,5	6 764,8	8 569,9	1805,1	126,7	2 320,8	2 090,0	2 085,1	2 074,0

№	Кўрсаткичлар	2022й.	2023й. 9 ойлик (факт)	2023й (кутила- ётган)	2024й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
3.	<b>Давр харажатлари</b>	<b>42859.6</b>	<b>37 863,8</b>	<b>53 156,1</b>	<b>85 311,4</b>	<b>32 155,3</b>	<b>160,5</b>	<b>18 083,1</b>	<b>19 688,1</b>	<b>22 956,0</b>	<b>24 584,2</b>
	<i>сотиш харажатлари</i>	22154,9	20 112,3	28 816,4	27 616,6	-1 199,8	95,8	6 618,2	6 985,7	7 067,6	6 945,0
	<i>маъмурий харажатлар</i>	5828,9	5 468,5	7 275,1	7 836,9	561,8	107,7	1 730,0	1919,6	2 030,5	2 156,8
	<i>бошиқа операцион харажатлар, шу жумладан:</i>	14875,8	12 283,0	17 064,6	49 857,9	32 793,3	292,2	9 734,9	10 782,6	13 857,9	15 482,4
	<i>ҳомийлик ва бегараз ёрдамлар</i>										
4.	<b>Молиявий фаолият бўйича харажатлар</b>	439,7	38,220								
	<i>фоизлар шаклидаги харажатлар</i>	439,7									
	<i>валюта курси фарқидан зарарлар</i>		38,220								
	<i>молиявий фаолият бўйича бошиқа харажатлар</i>										
